



015 у.г. «25» сентябрь

№ 1189-К

Самарқанд тумани “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан “Guliston Universal Service” масъулияти чекланган жамиятига музлатгич омборхонаси ва савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратилган ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа тижорат учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамияти бош лойиҳа қидирув институтининг 2015 йил 18 августдаги 07-15/46-494-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 08 сентябрдаги 1458-сонли хулосаси ва “Guliston Universal Service” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд тумани “Guliston Universal Service” масъулияти чекланган жамиятига музлатгич омборхонаси ва савдо дўкони қуриш учун Самарқанд тумани “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг контуридан жами 0,24 га (шундан: 0,24 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Музлатгич омборхонаси ва савдо дўкони бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳудудда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси “Guliston Universal Service” масъулияти чекланган жамияти директори зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январь ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш тумани Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.

5. “Guliston Universal Service” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб эътиборлансин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Курбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров